

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 56 (10.361)

2005 ЙИЛ 22 МАРТ

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўп бўлсин! Диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Ислом КАРИМОВ



ҲАЛОВАТЛИ ЭЛНИНГ ТАРОВАТЛИ САЙЛИ



Гўзал диёримизга қадимий ва ардоқли байрамимиз — Наврўз кириб келди. Ҳар ёнда кўклам сурури кезмокда, табиат уйғонмокда.

Наврўз — аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми.

Табиат кун оша гулларга бурканаётган, орзу-армонларимиз ушалиб, янги умидларимиз майсадек ниш отаётган, истиқлолимиз офтоби кундан-кун чарақлаб, бизга илҳом ва шижоат бағишлаб турган шу файзли дамларда юртимиз сайилгоҳларда, диёримизнинг барча гўшаларида ҳар галгидан ҳам фусункор ва кенг миқёсда сайил тарзида нишонлаётир.

Пойтахтимизнинг кўркам боғ ва хиёбонлари, майдонлари узра эрта тонгданок мумтоз куй-қўшиқлар, лапар ва яллалар, мушоираю наволар янграмокда.

Юртимиз ахли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон халқига Наврўз табриги»ни кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Юртошимиз табригида таъкидланганидек, «Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида аждодларимиз, ота-боболаримиз кўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризку-рўз тилаб пок ният

қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклам нашидасини сурганлар».

21 март. Соат 10.00. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамога безатилган. Бу ерга пойтахтимиз маҳаллаларидан муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари таширф буюрганлар.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов йиғилганларни байрам билан кутлади.

Майдон узра янги кун, янги йил ибтидоси Наврўзи оламини мадҳ этувчи майин наво таралади. Жилдираб оқаётган сув садоси, қушлар сайраши, гулларнинг чаппар уриб очилиши кўкламдан дарак беради.

Баҳор фаслини бутун кўрки, таровати ва жозибаси билан яққол намоен қиладиган мусиқий оҳанглар, лобар рақслар, фусункор сахна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаб, тинч ва осойишта, дунёда ўзининг юксак ўрни ва мавқеини

эгаллаб, халқимиз эса сиҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилақлари, бунёдкорлик кайфияти билан фасли Наврўзга қадам қўймокда. Ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз учун қалбларимиз шукроналик туйғулари билан лиммо-лим.

Мамлакатимиз раҳбари Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилган жорий йилда ҳукуватимизнинг махсус дастури қабул қилинди. Бу борада кенг кўламли чоратadbирларни амалда татбиқ этишга киришилди. Эзгу ният билан номланган йилда ўтказилаётган Наврўз тантаналарида халқимизнинг инсон ўз соғлиғини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асрай олиши билан боғлиқ умр фалсафасига алоҳида аҳамият берилган. Эндиликда давлат, жамият ва барча юртдошларимизнинг саъй-ҳаракати, куч-қудрати ва салоҳияти Юртбошимизнинг: «Соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади», деган даъвати ижобатига қаратилаётгани эътиборлидир.

Давоми 2-бетда.

XVI сағоси

Барча мабалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасида Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● «Ishonch» банклараро сугурта компанияси мамлакатимиздаги 20 дан ортик сугурта компанияси орасида биринчи бўлиб барча — 17 сугурта классига бўйича мажбурий ва ихтиёрий сугурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди.

● Тошкент вилояти Қизилтоғ посёлкаси ва Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги Деҳқонobod посёлкаси аҳолиси учун жаҳон стандартларига жавоб берувчи телефон хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу аҳолига ўзига хос Наврўз тухфаси бўлди.

● Наврўз байрами арафасида Навбахор туманидаги Агроиктисодиёт коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 600 ўқувчига мўлжалланган янги бино фан кабинетлари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

● Самарқанд шаҳрида поляк фильмларининг фестивали бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятида тадбиркорлар, ҳомий ташкилотларни жалб этган ҳолда вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари учун 40 миллион сўмдан ортик маблағ тўпланди. Ушбу маблағ таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва болалар муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилашга имкон беради.


● Тошкент Ислом университетида Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган «Наврўз-2005» анъанавий спорт мусобақалари ўтказилди.

Жаҳонда

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннаннын фикрича, Суриянинг барча кўшинлари май ойда бўлиб ўтадиган сайловларгача Ливандан чиқиб кетади.

● Нью-Йоркда жаҳоннинг турли қайноқ нуқталарида фаолият кўрсатаётган БМТ тинчликпарвар миссиялари иштирокида йиллик йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 18 та делегациянинг раҳбарлари қуролли гуруҳларни қуролсизлантириш, тинчликпарварлик операцияларини тақомиллаштириш, турли минтақалардаги миссиялар ўрта-сида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишди.

● Япония Ойга 2025 йилда учувчи орқали бошқариладиган космик кемани учирини режалаштирмокда.



Давоми. Боши 1-бетда.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Азалдан халқимиз Наврўз кунлари ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Диёримиз бўйлаб бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, кўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Катта сайиллар — улоқ чоғиш, от пойгаси, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Улкан дошқозонларда кўклам таомлари пиширилган.

Фольклор ва этнографик жамоаларининг ранг-баранг, ўзига хос дастурлари, халқ ўйинлари, катта ашула, кўшиқ, лапар, ўлан, айтишув, ялла, аскиялар ижросида қадимий ва навқирон байрамимизнинг ана шу хилма-хил ва ноёб қирралари моҳирона акс эттирилади. Саҳна томошалари кизигандан-кизийди. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этадилар.

Наврўз кунлари далага кўш чиқариш ва ерга уруғ қадаш маросими — экин сайлини ўтказиш халқимизнинг қадимий урфи. Асрий аъналаримизга кўра айни кунларда деҳқонларимиз юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қадамқда. Ватанимиз бўйлаб гуллар, кўчатлар экиш, кенг микёсли ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида.

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос узвий жараён. Халқимиз хоҳиш-иродаси билан мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилиши тимсолида ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Президент Ислоҳ Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор бериш, айниқса, фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб берди. Ушбу устувор вазифа ва йўналишларни ҳаётга кенг татбиқ этишдан кўзлаган бош мақсадимиз жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдан иборатдир.

Ҳар йили юртимизда қадимий шаҳарларимиз

тўйлари, улуг ватандошларимизнинг юбилейлари тантанали нишонланади. Буюк аждодларимизнинг хотирасини абадийлаштиришга қаратилган хайрли тadbирлар амалга оширилади. Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб янги иншоотлар, корхоналар, ўқув муассасалари қуриб битказилади.

Бу йил мамлакатимизда Қарши шаҳрининг

ша кўпаяверади, ҳаловатли элга байраму сайиллар ярашади. Табиийки, Наврўз замирида одамларнинг тинчликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари мужассам экани мустақиллик йилларида юртимизда бу улуг айёмнинг тикланиши учун қудратли омил бўлди. Озод диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг бадий чикишлари қалбларни фаҳрга тўлдиради. Кўз ўнгимизда

Наврўзнинг инсоний ва байналмилал моҳияти яна бир бор баралла намоен бўлади.

Табиат яшарар ва яшнар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Наврўз одамзот билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги, покиза умид ва орзулар бахш этади. Майдонга чиқиб келган болажонларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-кўшиқлари, шаддод рақслари кишини завқантиради. Уларнинг самимияти беихтиёр давра аҳлига кўчади.

Истиклол йилларида халқимизнинг ақл-заковатли, кучли, теран идрокли, инжа фазилатли вакиллари кўп қиррали нодир маданиятимиз, санъат, ижод ва спортдаги оламшумул ютуқларимиз билан дунёни лол қолдириши муҳтасар айтганда, ҳеч қимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни жаҳонаро муносиб равишда намоен этиши учун катта имкониятлар яратилди. Бугун голиб ва музаффар ўғил-қизларимизнинг олам узра донги кенг ёйилмоқда.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорлар ўзларининг янги, ранг-баранг куй-кўшиқларини, рақс гул-дасталарини тақдим этадилар. Уларнинг Ватани, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чикишларидан диллар жунбушга келади.


Майдон узра таралган шоиру бахшилар сўзида, созандау муғаннийлар созида, ҳофизлар хо-нишида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаёт, қудрати тобора ортаётган давлатимиз ва янги ҳаёт сари шахдам одимлаётган жамиятимизнинг бугунги ютуқлари сарафроз этилади.

Она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини жону танимизга янада теранроқ сингдирган куй-кўшиқ ва алёрларга мушакбозлик уланиб кетади...

Пойтахтимизда бўлгани каби юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

Фулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси

ҲАЛОВАТЛИ ЭЛНИНГ ТАРОВАТЛИ САЙЛИ




2700 йиллиги, Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, Ойбекнинг 100 йиллиги кенг нишонланади.

Бундай ҳаётбахш саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар мужассамдир.

Ота-боболаримиз Наврўз кунларида етим-есирларга, бева- бечораларга, муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишган, гина-қудуратлар унутилган. Куни кеча байрам муносабати билан мамлакатимизда умумхалқ ҳашари ташкил этилди.

Ушбу ҳашардан тушган маблағ меҳр-мурувват тadbирларини бажаришга, хусусан, кўмакка муҳтож инсонлар ва оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади.

Тинч-осойишта юртда хурсандчилик, тўй-томо-






«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

баҳорий байрам, покланиш ва янгиланиш
рамзи Наврӯз айёми билан барча ҳамшаҳарларимизни
энг эзгу дил тилаклари ила қутлайди.

Сиҳат-саломатлик йилида ҳаммамиз омон,
кўнгишларимиз шод бўлсин!



НАВРҮЗ — ЯНГИЛАНИШ, ЯРАТУВЧАНЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

ШАХРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВРҮЗ САЙИЛЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

Майсалар униб, бодом, ўрик, гилослар қийғос гуллади. Ариқларда тиниқ сув акса садо таратиб шилдираб оқаётир. Киру адирлар узоқ сукунатдан уйғона бошлади... Табиат инъомлари гўзаллашди. Буларнинг бари баҳор нашидаси, янгиланиш айёми — Наврӯз садоларидир.



Ҳа, жаннатмакон ўлкамизга ниҳоят соғиниб кутган, умид ва эзгу ниятлар айёми — Наврӯзи олам кириб келди.

Заминимизга қут-барака ато этувчи, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини таъминловчи, соғлиқ-омонлик келтирувчи, янги куч-қувват, ғайрат ва шижоат бахшида этувчи табиатнинг бундай инъомларини улуғлаш, шодиёналар билан кутиб олиш халқимизга хос ва мос одат.

Мана бир неча йилдирки, мустақил юртимизда Наврӯзи оламни шоду-хуррамлик билан кутиб олиш насиб этмоқда. Наврӯзи олам дей-

ишимизнинг ўзи — бу умумхалқ байрами эканлигини англатади. Бунинг маъноси шуки, бу шуқуҳли яшариш фаслини бутун дунё орзиқиб кутади.

Бу йилги Наврӯз ўзига хос таровати билан ажралиб турди. Анъаналарга содиқ қолган

ҳолда байрам ташкилотчилари шунингдек, янги-янги баҳорий кўринишларни намоён этишди. Бу эса, шубҳасиз, каттау кичикнинг назаридан четда қолмади, кўпчиликнинг кўзини қувонтириб, дилини хушнуд этди. Аждодларимиз урфи бўлмиш жарчилар Наврӯз кириб келишидан бир ҳафта олдин шаҳарларимиз, қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз бўйлаб безатилган от-араваю аутовларда «Эшитмадим деманглар, Наврӯз келаетир, бундан яқин-узқларингизга ҳам дарак бе-

ринг, зеро байрамдан, меҳр-мурувватдан, саховатдан барча-барча баҳраманд бўлиб, дили яйрасин, кўнгли кўтарилсин», дея жар солишлари айниқса болажонларимизни жуда қувонтирди. Тўғриси ҳам шундай: ахир фарзандларимиз ота-момоларимиз қадрлаб-улуғлаган, гўзаллиги, олижаноблиги билан ажралиб турадиган бундай асрий анъаналаримизнинг ҳаммасидан ҳам бохабар бўлмаганди-да...

Давоми 4-5 бетларда.



Оламда нима ган?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот
воситалари хабарларидан

● Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай мамлакат парламентида жорий йилнинг май ойида ўтказилиши мўлжалланаётган сайловлар кечиктирилишини билдирди. Президентнинг таъкидлашича, баъзи техник сабаблар шундай қарорга келишга мажбур қилган.

● Россия ҳукумати биопаспортлар ташкил этилиши концепциясини маъқуллади ва янги ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши жараёнида унинг қоидаларини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади.

● ОПЕК ташкилоти нефт нархини барқарор ушлаб туришини уйдасидан чиқа олмаяпти. Жумладан, ҳозирда 1 баррель нефтининг нархи 2,5 фозга, яъни 56,46 долларга кўтарилди.

● Халқаро Олимпиада қўмитаси комиссиясининг Москвага таширифи яқунлади. Шу тариха ХОК «Олимпиада — 2012» ўйинларини ўтказишга даъвогарлик қилаётган барча шаҳарларнинг имкониятларини ўрганиб чикди. Ғолиб шаҳар номи шу йилнинг 6 июлида Сингапурда бўлиб ўтадиган Халқаро Олимпиада қўмитасининг йиғилишида маълум қилинади.

● Автомобиль ишлаб чиқарувчи жаҳондаги йирик компаниялардан бири Daimler Chrysler Россияда завод куриш масаласини ҳал этмоқда. Агарда компаниянинг ушбу режаси амалга ошадиган бўлса яқин келажакда Россияда мерседес, крайслер ҳамда жип русумидаги автомобиллар ишлаб чиқарилади.

● Германия канцлери Герхард Шрёдер корхоналарга солинаётган солиқлар ҳажмини камайтириш таклифи билан чикди. Ушбу ташаббус мамлакатда ишсизлар сонини камайтиришга қаратилган.

НАВРЎ — ЯНГИЛАНИШ, ЯРАТУВЧАНЛИК ВА МЕХР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Давом. Боши 3-бетда.

Бу борада пойтахтимиздаги Толибжон Содиков номидаги маданият уйи Қиёфалар театри ҳаваскор артистлари 90 дан зиёд дунё халқи эртақлари қаҳрамонларини маҳорат билан ижро этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Тўғри, илгарилари жарчилик қилиш маҳаллаларда катта ҳурматга эга инсонларга ишониб топширилди. Демак, эндиликда санъаткорларимиз бошлаб берган бу қутлуг қадамни анъанавий тарзда маҳаллалар ичра тиклашига ҳам умид йўқ эмас-да...

Шаҳримизнинг ташқи безатилиши хусусида ҳам бироз тўхталиб ўтсак. Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Безак» ижодий бирлашмаси, шаҳар Халқаро бизнес маркази ҳамкорлигида олиб борилган ишларнинг натижаси ўлароқ, анъанавий байрамона безаш усуллари қаторида бу йилги Наврўзга тайёргарлик жараёнида янгилик киритиш лозимлиги кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланиб, бир нечта лойиҳалар амалга оширилди. Шаҳримизнинг байрамона қиёфасини ўзига хос мазмунан бойитиб турган «пирпирак»лар шулар жумласидандир. Ҳа-ҳа, айнан аста-секин югуриб, пирпирасидан завқланаётган болаларимизнинг ўйинчоқлари бу сафар катталарни ҳам бефарқ қолдирмаётган бўлса керак.

Илқ баҳор шамолнинг ҳар томонлама жозибали эсиб туришининг бир намоёни сифатида пойтахтимизнинг марказий кўча ва хиёбонларини худди кўпчиликка байрамона кайфият улашишга ошиқётгандек тўрт метр узунликдаги 40 тага яқин кўшалок пирпираклар бебаб турибди.

Наврўз нафақат ўйин-кулги, шоду-хуррамлик, балки бағрикенглик, саховат, бир-бирига меҳр-мурувватли бўлишга ундовчи байрам ҳамдир. Шу босидан ҳам, алоҳида таъкидлаб ўтишимиз даркор, аксарият жойларда Наврўз байрами дастлаб мурувват сайиллари билан бошланди.

АКМАЛ ИКРОМОВ тумани фаоллари бу борада ўзига хос саховатпешаликка қўл урди-лар. Авваламбор, тумандаги 625 нафар ёлғиз, ногиронларнинг уйларига бориб, уларга 6,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, совға-саломлар улашилди, байрам дастурхонлари безатилди.

Шунингдек, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими томонидан Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғида 21 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари учун хатна тўйи уюштирилиб, туман ҳокимлиги тантаналар залида икки янги ёш оиланинг никоҳ тўйига ҳомийлик кўрсатилди.

Хайрия тadbирларидан сўнг, сайиллар маҳаллаларга кўчди. 50 та маҳалла марказларида баҳор таомларидан безалган дастурхонлар атрофига аҳоли жамланди. Бундан ташқари, кўп қаватли уйлардаги маҳаллалар ўртасида «Энг покиза уй», «Энг тоза йўлак», «Энг намунали кўча» кўрик-танловлари ташкил қилиниб, голиблар туман ҳокимлиги томонидан тақдирланди.

БУГУН эса Акмал Икромов боғида Наврўз байрамга бағишланган Бешқайрағоч даҳасининг машҳур новвойларининг кўрик-танлови бўлиб ўтади.

Эрта сахардан карнай-сурнай садолари остида **БЕКТЕМИР** туманининг барча ёшу қариси Красницкий номидаги ўйингоҳга йиғилди. Айём тантанасида туманининг «Наргиз», «Тарона» вокал-чолгу гуруҳлари, «Гавҳар», «Гумган», «Афсона» фольклор ва вокал этнографик дастаси ҳамда «Кабутар» рақс дасталарининг бири-биридан чириши чикишлари дилларга кўтаринкилик бағишлади.

Шунингдек, «Миришкор», «Роҳат», «Маърифат», «Бектемир» маҳаллаларида «Наврўзи олам муборак», «Сумалак — минг даргда даво», «Наврўз — баҳор элчиси» номли концерт дастурлари ҳам бўлиб ўтди. Дожозонларда би-қирлаб қайнаётган сумалаклар, байрам дастурхони учун ошпазлар томонидан маҳалла

аҳлига атаб пиширилган турли хил таомлар байрам шодиёнасига янада кўтаринкилик, ўзгача шуқуҳ бахш этди.

«Одамлару одамлар! Бугун **МИРОБОД** тумани аҳлини Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда пойтахтимизнинг энг гўзал Алишер Навоий театри майдонидаги Наврўз тантаналари кутмоқда...».

Мирободликларни янги кун завқи — ана шундай карнай-сурнай садолари остидаги чақриқ Наврўз шодиёналарига чорлади. Алишер Навоий номидаги театр майдонида эрталабдан кечгача тайёрланган байрам мусиқа дастурида таниқли санъаткорлардан тортиб, ҳаваскор хонандаларгача ўзларининг Ватан, ёр ва баҳор, Наврўз ҳақидаги дилрабо кўшиқларини тортиқ этишди.

Наврўзнинг ўзига хос удумларидан бўлган варрак учуриш, кураш мусобақалари уюштирилди. Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган катта тантаналарда Наврўз таомлари — ҳалим, сумалак, кўк сомсаю кўк чучваралар сайил иштирокчиларини хушнуд этди.

Болалар гуруҳларининг чиқишлари, спорт мусобақалари, қўл хунармандчилиги маҳсулотлари кўргазмаси тadbирга алоҳида фойз бағишлаган бўлса, тумандаги кўп қаватли уйларда ўтказилган «Энг покиза аёл» кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими ҳам йиғилганлар эътиборини тортиди.

Албатта, шу кунга кекса ва ногиронларни йўқлаш ҳам ёддан кўтарилмади. Тумандаги 39 та маҳаллада ушбу эзгу ишга бош қўшилди. Бир сўз билан айтганда, туманда Наврўзи олам меҳр-окибат намунасини яна бир қарра намоён этди. Диллар яйради, кўзлар қувнади, тиллардаги фақат яхши тилгау эзгу ниятлар қадрдонларга инъом этилди.

Наврўз тантаналари шу кунги **МИРЗО УЛУҒБЕК** туманида ҳам ўзгача шодиёналик билан ўтди. Тумандаги Мирзо Улуғбек номидаги, Зафар Диёр ва «Гулшан» маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, Мирзо Улуғбек ҳайкали атрофида бўлиб ўтган байрам сайиллари катта шодиёнага айланди. Бу жойларда миллий халқ ўйинлари, болаларнинг варрак учуриши, спорт мусобақалари ҳамда маданият уйлари бадий ҳаваскорлари ва элимизнинг сеvimли санъаткорлари иштирокидаги концерт дастурлари, баҳор тароналари байрам иштирокчилари қалбига хуш кайфият ва завқ-шавқ бахш этди. Байрам тadbирларида адабиётшунослар, тарихчи олимлар, шунингдек, пойтахтимиз меҳмонлари иштирок этдилар. Шу кунги маданият ва истироҳат боғларидаги аттракционлар кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул хизмат кўрсатишди. Хуллас, халқ сайли каттаю кичикнинг қалбига бир олам қувонч бағишлади. Маҳаллаларда эса дастурхон безатилиб сумалагу ҳалимлар тортилди. Ногиронлар, ёлғиз қарияларнинг уйларига бориб, байрам совгалари улашилди.

Наврўзи олам шуқуҳи **СЕРГЕЛИ** туманида ҳам ўзига хос нишонланди. Халқ сайли ўтказиладиан Сергели боғи миллий руҳда безатилади, бадий жамоаларнинг чиқишлари, дорбозлар ўйини, дилрабо куй ва кўшиқлар бар-

чанинг дилини нурафшон этди.

Тумандаги «Бахт» уйида 187 нафар кам таъминланган оилалар ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хатна тўйи қилиниб,

даният ва истироҳат боғида сайил қилиб баҳорнинг шаршилшга одатланган эскишаҳарликлар бугунги Наврўзни шу ерда яна кутиб олишни неча йиллар давомида умид қилгандилар.

лак ва ҳалим тарқатилгани, кам таъминланган оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилгани, шу маҳалла онахони — 80-баҳорни қаршилаган Маъсуда Қосимовага совға-саломлар улашилди, бу мўътабар ёшдаги момонинг дуосини олганликларини кўпчилик узоқ ёдда тутди, албатта.

Уйғониш, яшариш ва нафосатга йўғрилган, шунингдек, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган сеvimли Наврўз байрами **ЧИЛОН-ЗОР** туманида ҳам ўзгача тантанали ва шодиёна руҳда ўтди. Эрта тонгдан тумандаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ўзбекистон Миллий боғи ҳамда Дўмбиробод кичик боғида карнай-сурнай садолари янграб, ҳамюртларимизни Наврўз сайлига чорлади. Тумандаги барча маданият уйлари бадий жамоалари қатнашчилари томонидан тайёрланган байрам дастурлари, Баҳор, Наврўзни мадҳ этувчи дилбар кўй-кўшиқлар, гўзал рақслар, ҳажвчиларнинг чиқишлари байрам шодиёналарига ўзгача фойз бағишлади. Шунингдек, ёшлар ўртасида бўлиб ўтган спорт мусобақалари, миллий ўйинлар кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этди. Ҳам-шаҳарларимиз учун озиқ-овқат, ширинликлар ва салқин ичимликлар савдоси ташкил қилинди. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, ҳомийлар томонидан хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Байрам тadbирлари тумандаги маҳаллаларда, ўқув юр-ларларида, корхона ва ташкилотларда ҳам қизгин ўтказилиб, сумалак ва ҳалимлар тайёрланди.

Карнай-сурнайнинг чиройли наволари **ҲАМЗАЛИКЛАР** дилига ҳар йилгидан ўзгача завқ бағишлаб, шодиёнага чорлади.

Асосий байрам тadbирлари «Авиасозлар» маданият саройи, «Тарновбоши» маҳалласи гузари, «Мусиқа» саройида ташкил этилиб, халқ сайилларида ёшу қари иштирок этишди. Байрамона безатилган, гулу чечакларга бурканган ушбу масканларда эртадан кечгача мусиқа садолари янгради, табриқлар тинмади.

Туманимизда ўтказиладиан байрам дастурини тайёрлашда миллий қадриятларимиз эъзозига, шарқона урф-одатларимизни қадрлашга алоҳида ўрин ажратдик, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Орзуой Идрисова. — Бир томонда баҳорий таомлар бўлса, айниқса туман маданият уйи санъаткорларининг чиқишлари байрамга алоҳида шуқуҳ бахш этди.

Дастур асосида 10 та кўрик-танлов ўтказилиб, голиблар ҳомийларнинг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди. Ушбу кўрик-танловларда йиғитларнинг эпчиллиги, қизларнинг саранжом-саришталигию пазандалиги, ногирон бўлсаларда фойдали меҳнат билан шуғулланаётган инсонларнинг маҳорати яна бир бор намоён этилди. Турли лотерея ўйинлари ташкил этилиб, ютуқ голибларига хушнудлик улашилди.

Байрам дастурхонининг ҳалим ва сумалагидан тотиб қўрган, дилрабо кўшиқ ва Малика Аҳмедова раҳбарлигидаги қизлар дастаси рақсларидан завқ олган, саховатдан диллари ёришган барча тантана иштирокчилари ум-

рбоқий Наврўзимизга абадийлик тилашди.

Ўзбекиннг энг қутлуг кунда янграйдиган карнай-сурнай наволари **ШАЙХОҲТОЙ** туманида баралла чалинганида Наврўз нафасидан қад ростлаган, покизалик, бунёдкорлик юмушига бел боғлаган ёшу кекса халқ сайлига қиқиб, кўнгишлар губордан ҳоли, кўзларда яратиш ишқи порлаб Наврўз байрамини катта тантана билан нишонладилар.

Ибн Сино номли ва Хадра майдонларида катта халқ сайиллари бўлиб ўтди. Қайвони онахонлар сумалакни маромига етказиб пиширдилар, ҳалимларга отахонлар бош-қош бўлди. Туман маданият уйи қошидаги «Нур», «Оқшом», «Настарин» каби бадий жамоалар, 23-болалар мусиқа мактаби ўқувчиларининг чиқишлари, қувноқ куй, шўх рақслар барчабарчани даврага чорлади.

ЮНУСОБОД туманида ҳам баҳор ва уйғониш байрами зўр шодиёналик билан нишонланди. Тумандаги 50 та маҳалла, 90 та корхона ва ташкилотлар, 4 та олий ўқув юрти, 11 та коллеж, 50 та мактаб, 66 та боғча, 18 та шифохоналар, бир сўз билан айтганда баҳор нафаси кезиб турган ҳар ерда байрам тантаналари бошланиб кетди. Юзларида табассум, кўнгишларида эзгулик ниш урган етти ёшдан етмиш ёшгача кексаю ёш Ҳайвонот боғи ва Хосият ая мажмуасида ўтказилган халқ сайлида дилдан яйрадилар. Бир-биридан ўзишга интилган болажонлар турли спорт мусобақаларида талашиб-тортишиб биринчи бўлишга шошилдилар. Баҳру-байтлар, шеърхонликлар байрамга ажиб бир кўтаринкилик, юксак туйғуларни бағишлади.

— Тинч ва озод юртга байрамлар ярашади, — дейди «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Нафиса Акбарова. — Қаранг, одамлар юзидаги қувончининг ўзи бир олам. Ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга байрам руҳи кириб боришига ҳаракат қилдик. Фақат ўзимизга, ўзлгимизга хос бўлган миллий қадриятларимиз, бобомерос анъанаю удумларимизни бир эсга олиб махсус дастурлар тайёрладик. Токи ёш авлод кекса, табарруқ бобою бувиларимиз, ота-оналаримиздан бизга ўтиб келаётган энг яхши инсоний, эзгу фазилатлар, сахийлик ва олижанобликдан хабардор бўлиб уни давом эттиришга ҳаракат қилсинлар.

Туманда 21 мартда бошланган байрам шодиёнаси 22, 23, 24 март кўнлари ҳам давом этиб, Амир Темур хиёбони ва Сайилгоҳ кўчаларидаги сайилларда ўз аксини топади. Бугун биз Наврўзи олам дея кўп такрорламоқдамиз. Дарҳақиқат, Наврўз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элатлар учун бирдек байрамдир. Уларнинг ҳар бирининг янгилашиш, янги кун — баҳор кириб келиши билан боғлиқ турли миллий анъаналари мавжуд.

ЯККАСАРОЙ туманида жойлашган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида 21 март юртимизда халқлар тенглиги, бирдамлик, тинчлик-тотувлик байрами сифатида нишонланишининг ёркин исботи бўлди десак адашмай-миз.

«Ту-би-шват», «Колентула», «Сямяни», «Куррай», «Масленица»... Турли миллатлар тилида Наврўз маъносини англатувчи шу каби номлар боғ узра озарбойжон, арман, яхудий, поляк, рус, қозок, киргиз биродарларимиз — ягона бўлмиш Ўзбекистон халқининг дилрабо куй-кўшиқларида, хониш ила наволарида, жозибдор рақсларида янграб, бир ерга келган меҳмонларни яна бир бор хайратга солди.

... **Юртимизга баҳор келди. Наврўзи олам ҳаммамизга муборак бўлсин. Унинг таровати, чиройи, гўзаллиги яна узоқ-узоқ давом этади.**

Наврўз қалбларимизни қувончга тўлдириб, дилларимизни меҳр-оқибатга ундаб бораверади.

(Ўз мухбирларимиз).





AVTOHAMRON

O'zbekiston Respublikasi IIV YHXBB jurnali

*«AVTOHAMRON» журнали таҳририяти
«Тошкент оқшоми» мухлисларини
«Наврўз» умумхалқ байрами билан табриклайди!*



Йўлларимизда болаларимизни асрайлик!

**«MANEM-Press Media»
ва «BEK-Press Media»**

*масъулияти чекланган жамиятлари,
шунингдек Voks+futbol ҳамда Globus
газеталари республикамиз
халқини қадим ва
навқирон байрамимиз бўлмиш*

***Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этади.***

*Сиз азизларни баҳорий кайфият,
жўшқин ҳаёт асло тарк этмасин.*

*Янгиланиш ва яшариш фасли
ҳар бир хонадонга қут-барака, омад
ва бахт-иқбол олиб келсин.*

MANEM
media

BEK-Press Media

VOKS
PLUS
futbol

Globus

